



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Маматов Акмалжон Анваржонович

“Агробанк” АТБ HR департаменти бошқарма бошлиғи

Телефон: +998 (99) 602 79 49

Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7931882>

ARTICLE INFO

Received: 04th May 2023

Accepted: 11th May 2023

Online: 12th May 2023

KEY WORDS

Тижорат банки харажатлари, операция харажат, нооперация харажат, фойзли харажат, фойзсиз харажат.

ABSTRACT

Мазкур мақолада тижорат банки харажатларининг таснифланиши ёритилган бўлиб, харажатларнинг таркиби ва динамикаси таҳлил қилинган ҳамда уларни оптималлаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган.

1. Кириш.

Ҳозирда, иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнида ҳар бир давлат, шунингдек Ўзбекистон банкларининг иқтисодиётда тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Тижорат банклари жаҳон миқёсида ривожланиб, янада такомиллашиб бормоқда. Тижорат банклари фаолиятлари давомида барқарорлигини таъминлаб бориш ва албатта юқори фойда олишга интилади. Тижорат банкларининг фойдасига таъсир этувчи асосий омиллардан бири харажатлар бўлиб, харажатларнинг тўғри ва самарали таҳлили орқали харажатларни камайтириш, уларни оптималлаштиришга эришиш мумкин.

Шундай экан, тижорат банклари харажатлари таҳлилини такомиллаштириш, банклар фаолияти самардорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, тижорат банкларида янги банк хизмат турларининг кўпайиши, иқтисодиётда банк қамровининг ўсиши билан банк активлари ҳам кўпайиб боради. Бу ўз навбатида банк харажатларининг кўпайишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банк харажатлари таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банклари харажатлари таҳлили амалиётини кўриб чиқишдан олдин харажатлар бўйича тушунчаларини ўрганиб чиқиш лозим. Иқтисодий адабиётларда банк харажатлари тушунчаси турли хил талқин қилинади.

Банкда "харажатлар" тушунчаси анъанавий тарзда банк хизматлари таннархи ва



нархини шакллантириш масалаларига боғлиқ. Ушбу концепциянинг маъноси генетик жиҳатдан умумий харажатлар тушунчасидан келиб чиқади. Одатда, харажатлар остида "истеъмом қилинган ресурслар ёки товарлар ва хизматлар учун тўланиши лозим бўлган пул" тушунилади (Хорнгрен ва Фостер).

Иқтисодчи Басс тижорат банклари харажатларига шундай таъриф бериб ўтган: "тижорат банкларининг харажатлари банк фаолиятининг барча турларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлардан фойдаланишни англатади.

Ўз навбатида Коробкова "Тижорат банкларининг харажатлари – бу банк фойдасига таъсир қилувчи асосий фактор ҳисобланади. Банкнинг асосий ва асосий фаолиятдан ташқари фаолиятларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар сифатида аниқланади. Банк харажатларини операцион харажатлар, ёрдамчи фаолият харажатлари ва бошқа харажатларга ажратилади. Банк операцион харажатлари, фоизли харажатлари, комисион харажатлар ва бошқа операцион харажатларга ажратилади" дея таъкидлаган.

Ё. Абдуллаев ва бошқалар тижорат банклари харажатларини қуйидаги икки турдаги харажатларга ажратишган:

1. Банк ресурсларини шакллантириш бўйича харажатлар (пассив операциялар);
2. Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар (актив операциялар).


Биринчи гуруҳга: банкка жалб қилинган банк ва бошқа мижозлар маблағлари бўйича фоиз тўловлари, заёмлар ва депозитлар, шунингдек, чиқарилган қимматли қоғозлар мажбуриятлари бўйича фоизлар киради.

Мавжуд таснифлаш тартибига биноан иккинчи гуруҳ харажатларига қуйидагилар киради:

- маъмурий бошқарув ва ижтимоий-маиший хизматлар учун қилинган сарфлар;
- чет эл валюта операциялари билан боғлиқ харажатлар;
- қимматли қоғозлар операциялари билан боғлиқ харажатлар;
- касса, ҳисоб рақамлари операциялари, олинган грантлар билан боғлиқ харажатлар;
- бошқа операцион харажатлар, шу жумладан, техникага кўрсатилган қаров, ахборотлаштириш хизматлари, бланкаларни тайёрлаш, уларни почта-телеграф орқали жўнатиш, амортизация, бино-иншоотлар, транспорт воситаларни сақлаш бўйича харажатлар;
- ижара тўловлари, нодир металлар билан боғлиқ операциялар бўйича харажатлар, валюта, факторинг, лизинг операциялари билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар;
- жарима, пеня ва тўланган карзлар.

Новашина ва Ждановалар фикрига кўра "Тижорат банклардаги харажатлар" тушунчаси муайян тарзда "корхона харажатлари" тушунчасидан фарқ қилади, бу кредит ташкилотининг махсус мақоми ва унинг иқтисодий мазмунининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Асосий фарқ харажат таркибидадир. Корхоналарда сотиш харажатлари маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари билан боғлиқ бўлиб, пулларни қўшимча жалб қилиш билан боғлиқ барча харажатлар бошқа харажатларга тааллуқлидир.

1-расм. Пассив операциялар жараёнида банк харажатлари



Банкда эса яхши маълумки, пул маблағларини жалб қилиш асосий амалга ошириладиган харажат фаолияти бўлиб, фоизларни тўлаш билан боғлиқ барча харажатлар операцион харажатлар бўлиб ҳисобланади, яъни муаллифлар (*Новашина ва Жданова*). тижорат банк харажатларини актив ва пасив операциялар доирасида қуйидагича таснифлайдилар (*1-2 расмлар*):

2-расм. Актив операциялар жараёнида банк харажатлари





Рақобатли иқтисодиёт шароитида банкларда харажатлар таҳлилни тўғри ташкил этиш, шунингдек харажатлар самарадорлигини баҳолаш, унумсиз харажатларни имкон даражада пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, банк харажатларини алоҳида хусусиятга қараб таснифлашни талаб қилади.

3-расм. Тижорат банкларидаги харажат турлари

Белгисига кўра	<ul style="list-style-type: none">– Операцион харажатлар;– Банкнинг хўжалик фаолиятини таъминловчи харажатлар;– Банк ходимлари иш ҳақи харажатлари;– Солиқ тўловлари харажатлари;– Махсус захираларга ажратма харажатлари;– Банкнинг бошқа харажатлари
Шаклига кўра	<ul style="list-style-type: none">– Фоизли харажатлар;– Комиссион харажатлар;– Бошқа фоизсиз харажатлар.
Ҳисоблаш даврига кўра	<ul style="list-style-type: none">– Жорий харажатлар;– Келгуси давр харажатлари.
Чеклаш усулига кўра	<ul style="list-style-type: none">– Нормаллаштирилган (реклама, хизмат сафари, ходимларни тайёрлаш харажатлари);– Нормаллаштирилмаган.
Солиқ солиш базасига таъсирига кўра	<ul style="list-style-type: none">– Харажатлар ҳисобрақамида ҳисобга олинмаган, банк даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортиш базасини камайтирувчи банк хизматлари билан боғлиқ харажатлар;– Харажатлар ҳисобрақамида ҳисобга олинмаган лекин, банкнинг солиққа тортиш базасини камайтирмайдиган харажатлар;– Банкнинг солиққа тортиш базасини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган ва тўғридан тўғри банк зарарларига боғлиқ бўлган харажатлар.

Ўз навбатида Лаврушин ва Валенцевалар тижорат банклари харажатларини харажатлар белгиси, шакли, ҳисоблаш усули, ҳисоблаш даври, солиққа тортиладиган базасига таъсирига кўра, чеклаш усулига кўра қуйидагича таснифлашади (3-расм):

Республикаимиз иқтисодчилари Ибрагимов ва Джураевларнинг фикрига кўра, ҳозирда амалда қўлланилаётган банк харажатларини фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар ва бошқа харажатлар каби гуруҳларга ажратиш энг содда ва оптимал гуруҳлаш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ички банк операцияларининг харажатлар билан боғлиқ томонини янада аниқроқ ифодалашга олиб келади. Бунда бошқа харажатлар билан боғлиқ операцияларга банкнинг асосий фаолиятдан ташқари операцияларни ўз ичига олган харажатлар билан боғлиқ операцияларни киритиш мумкин.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

2020-2022 йиллар давомида тижорат банки харажатлари таркиби ва динамикаси, млн.сўмда 1-жадвал.



Харжатлар таркиби	31.12.2020	31.12.2021	01.10.2022	Ўзгаришлар фонда		
				2021/2020	2022/2021	2022/2020
Талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлар бўйича	7,8	3,5	0,5	-55,0	-87,0	-94,1
Муддатли депозитлар бўйича	718 342,2	1 253 244,4	1 104 407,4	74,5	-11,9	53,7
Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари бўйича	136 502,2	89 076,0	65 390,3	-34,7	-26,6	-52,1
Кредитлар бўйича	671 613,8	1 129 554,8	944 252,9	68,2	-16,4	40,6
Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган репо битимлари бўйича	75 974,2	42 211,3	931,5	-44,4	-97,8	-98,8
Бошқа фонзли харажатлар	1 516 045,0	2 354 441,9	2 188 654,3	55,3	-7,0	44,4
Жами фонзли харажатлар	3 118 485,2	4 868 531,9	4 303 636,9	56,1	-11,6	38,0
Тўланадиган хизмат ва воситачилик	118 368,4	181 111,8	265 816,0	53,0	46,8	124,6
Хорижий валюталарда қурилган зарарлар	370 343,8	238 782,8	773 086,6	-35,5	223,8	108,7
Бошқа фонзсиз харажатлар	7 757,7	4 147,0	2 370,3	-46,5	-42,8	-69,4
Жами фонзсиз харажатлар	496 469,9	424 041,6	1 041 273,0	-14,6	145,6	109,7
Ходимларнинг иш хақи учун қилинган харажатлар	635 693,3	816 056,8	732 988,3	28,4	-10,2	15,3
Ижара ва таъминот харажатлари	104 745,4	134 683,4	126 610,0	28,6	-6,0	20,9
Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	9 786,5	22 781,7	17 108,8	132,8	-24,9	74,8
Маъмурий харажатлар	49 452,5	67 813,5	75 040,0	37,1	10,7	51,7
Репрезентация ва хайрия	21 342,2	60 052,2	59 560,0	181,4	-0,8	179,1
Эскириш харажатлари	96 134,3	120 538,7	113 875,6	25,4	-5,5	18,5
Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	9 704,3	20 098,6	22 297,9	107,1	10,9	129,8
Солиқ	8 204,8	10 647,1	4 424,9	29,8	-58,4	-46,1
Жарима ва пеня	21,6	195,6	9 542,2	804,6	4 777,6	44 023,5
Бошқа операцион харажатлар	16 247,4	14 154,9	15 094,8	-12,9	6,6	-7,1
Жами операцион харажатлар	951 332,4	1 267 022,4	1 176 542,3	33,2	-7,1	23,7
ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	4 566 287,4	6 559 595,9	6 521 452,2	43,7	-0,6	42,8

“Агробанк” АТБнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (Мақола тайёрланиш даврида 2022 йил якуни бўйича ҳисобот эълон қилинмаганлиги сабабли 9 ойлик якуни бўйича таҳлил қилинди)

Манба манзили: <https://agrobank.uz/uz/shareholders-and-investors/financial>


Банк фаолиятида юқорида келтириб ўтилган банк харажатларининг ҳар бирини таснифлаш ва гуруҳлаш орқали таҳлил қилиш лозим. Тўлиқ ва комплекс таҳлил орқали банкка таъсир этувчи асосий омиллар ва банк фойдасини шакллантиришда асосий аҳамиятга эга бўлган харажатлар аниқланади ва шу орқали зарурий стратегик чоратадбирлар белгиланади. Республикамизнинг йирик банкларидан бири бўлган “Агробанк” АТБнинг 2020-2022 йиллар оралиғидаги харажатлар таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларни кўришимиз мумкин (**1-жадвал**):

2020-2022 йиллар оралиғида тижорат банк харажатлари ўсиб борган ва 2022 йилнинг 9 ойида жами харажатлар 6 521,4 млрд.сўмни ташкил этиб, 2021 йилга



нисбатан деярли тенг бўлган яъни 0,6 фоизга кам қилинган. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ушбу ҳолатга харажатлар таркибидаги фоизсиз харажатларнинг 617,2 млрд.сўмга ёки 145,6 фоизга кескин равишда ортгани асосий омиллардан бири бўлган. Фоизли харажатлар салмоғи жами харажатларнинг 2020 йилда 68,3 фоизни, 2021 йилда 74,2 фоизини ва 2022 йилнинг 9 ойида 65,9 фоизини ташкил этган (4-расм). Фоизли харажатлар таркибида тўланиши лозим бўлган кредитлар бўйича фоизли харажатлар 2021 йилда 1129,5 млрд.сўмни ташкил этиб ўтган 2020 йилга нисбатан қарийб 1,7 баробарга ёки 168,1 фоизга ортган.

4-расм. 2016-2018 йиллар давомида тижорат банк харажатлари таркиби ва салмоғи



Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб, шуни айтиб ўтиш жоизки, иқтисодчи Жарковская фикрига кўра фоизли харажатлар тижорат банкининг кредитлаш ва инвестиция фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб, “агрессив” кредит сиёсатини олиб борувчи тижорат банкларда фоизли харажатлар улуши жами харажатларнинг деярли 70 фоизини ташкил этиши мумкин. Бироқ ушбу кўрсаткич ҳар бир банк учун индивидуал белгига эгадир.

Тижорат банклари фоизли харажатларини жами харажатлар ҳажмига нисбатан ўсиши, банкнинг кредит ресурсларини оладиган бозор конъюктурасининг яхши эмаслигидан ёки банкнинг бу бозорлардаги рақобат мавқеини ёмонлашганлигидан далолат бериши мумкин. Фоизли харажатларнинг ўсиши, фоизли даромадларнинг адекват ўсиши билан ёнма-ён бўлса, бу ҳолат банк учун нормал кўрсаткич ҳисобланади. Кўрсаткичларда фоизли даромадларнинг ўсиш суръати фоизли




харажатларнинг ўсишидан ўзиб кетса, албатта бу ҳол банк учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банкининг фоизсиз харажатлари 2020 йилда 496,4 млрд.сўмни, 2021 йилда 424 млрд.сўмни ва 2022 йилнинг 9 ойида 1041,2 млрд.сўмни ташкил этган. 2022 йилнинг 9 ойида фоизсиз харажатлар ўтган 2022 йилга нисбатан 617,2 млрд.сўмга ёки 245,5 фоизга ортган. 2021 йилда фоизсиз харажатлар камайиб, 2020 йилга нисбатан 72,4 млрд.сўмга ёки 15 фоизга камайган. Мазкур ҳолатга фоизсиз харажатлар таркибидаги “хорижий валюталарда кўрилган зарарлар бўйича фоизсиз харажатлар” қаторининг 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 131,5 млрд.сўмга ёки 35,5 фоизга камайганлик омили таъсир этган. Ўз навбатида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2017 йил 2 сентябрда “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

имзоланди. Мазкур Фармонга биноан, 2017 йил 5 сентябрдан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характерида эга бўлмаган ўтказмалар) бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари мумкинлиги, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинганлиги белгилаб қўйилди.

Валюта сиёсатининг либерализацияси натижасида миллий валютаимиз девальвация қилинган бўлиб, тижорат банкида хорижий валютадаги пул маблағлари, уларнинг эквивалентлари ва бошқа банкдаги маблағлар каби хорижий валютада акс эттирилган молиявий активларнинг қайта баҳоланиши орқали фойда аҳамиятли даражада ошган. Шунингдек, 1-жадвалда кўришимиз мумкин, хорижий валютадаги миқдорлар маблағлари ва бошқа банк маблағлари каби хорижий валютада акс эттирилган молиявий мажбуриятларнинг қайта баҳоланиши оқибатида зарар ҳам аҳамиятли даражада кўпайган.

Тижорат банкнинг операцион харажатлари 2021 йилда 1267 млрд.сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 315, млрд. сўмга 33 фоиз ўсиш кузатилган (1-жадвал). 4-расмдан кўриш мумкинки, жами харажатлар таркибида операцион харажатлар салмоғи йилдан-йилга камайиб, 2020 йилда 20,8 фоизни, 2021 йилда 19,3 фоизни, 2022 йилнинг 9 ойида 18 фоизни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич ўз навбатида тижорат банкида харажатларни оптималлаштириш сиёсатининг олиб борилаётганлигидан далолат беради.



5-расм. 2020-2022 йиллар давомида тижорат банк операцион харажатлари таркиби ва салмоғи

Операцион харажатлар таркибида банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган харажатлар асосий салмоққа эга бўлган бўлиб, 2020 йилда 66,8 фоизни, 2021 йилда 64,4 фоизни ва 2022 йилнинг 9 ойида 62,3 фоизни ташкил этган (5-расм). Таҳлил даврининг сўнгида банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатларнинг ўсиш суръати кузатилган.

Операцион харажатлар таркибида суғурта, солиқ ва бошқа харажатларнинг йилига ўсиши кузатилган бўлиб, 2021 йилда 45 млрд.сўмни, салмоғи бўйича учинчи ўринда бўлган ижара ва таъминот харажатлари (2022 йилда 8,7 фоиз 5-расм) 2021 йилда ўтган 2020 йилга нисбатан 39,6 фоизга ортган ва 42,7 млрд.сўмни ташкил этган (1-жадвал). Ўз навбатида ижара харажатларининг кўпайиши ижара объектлари сонини ёки ижара тўловлари нархининг ошганлигини англатади.

Мазкур харажатларнинг ҳамжи тижорат банкининг кредит қўйилмалари ва инвестициялари портфели билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида банк томонидан ажратилган кредитлар ҳажмининг ўсиши ҳамда ажратилган кредитлар сифати билан боғлиқ бўлади.

4. Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банк харажатларини оптималлаштириш масаласида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз: - тижорат банклари учун бошқа банкдан олинган кредитлар ва жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг омонатлари юқори фоизли харажатлар бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва юридик шахсларнинг ҳисобрақамларидаги пул маблағлари энг арзон харажатлар бўлиб ҳисобланади.

Мажбуриятлар таркибида талаб қилиб олингунча омонатлар салмоғининг



оширилиши фойдали харажатлар ҳажми ва салмоғининг камайишига олиб келади ва банк фойдасининг ошишига хизмат қилади;

- тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг сифатли бўлиши кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш харажатларининг камайишига олиб келади;

- харажатлар таркибида бошқа харажатлар асосан банк ходимлари томонидан йўл қўйилмайдиган хатолар, шартномалар ва белгиланган банк қонунчилигининг бузилиши, кредит сиёсатида амал қилинмаслиги ва тижорат банк бошқарувидаги камчиликлар оқибатида юзага келиши мумкин;

- доимий ижара харажатларини камайтириш учун тижорат банки ижара объектлари ичида шахсий мулк объектларини кўпайтириш чораларини кўриши, миқдорларга масофавий хизмат кўрсатишни (смс банкинг, интернет банкинг) йўлга қўйиши лозим;

- операцион харажатлар таркибида юқори салмоққа эга бўлган иш ҳақи харажатларини оптималлаштириш чоралари кўриб борилиши зарур. Ушбу масалада Коняевнинг иш ҳақи харажатларини оптималлаштириш бўйича қўйидаги таклифларига қўшилаемиз: “Замонавий банк тизимида ходимларнинг иш ҳақи харажатлари жами банк харажатларининг 50-70 фоизини ташкил этади. Банк тизими амалиётидан келиб чиқиб, тижорат банклари ходимлар билан боғлиқ харажатларни қисқартириш мақсадида 3 та усулдан фойдаланади, яъни тенг равишда фойдан келиб чиқиб штат бирликларини қисқартиради, ташкилий самарасизликни бартараф этади, бўлинмалар ва ходимларнинг иш самарадорлигини таҳлил қилиш натижаларига кўра қисқартиришларни амалга оширади”. Юқоридаги таклиф иш ҳақи харажатларини оптималлаштиришнинг мақбул ечими сифатида қаралиши мумкин, бироқ мазкур амаллар банкнинг умумий фаолиятига ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Тижорат банклари томонидан харажатлар таҳлилининг тўғри амалга оширилиши, харажатлар таркибида фойдага таъсир этувчи омилларни аниқлашга, банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга ҳамда банк тизимини самарали бошқаришга хизмат қилади.

Бугунги кунда банклар олдингиданда кўпроқ маълумотлар базасининг бойлигига, шунингдек техник имкониятларнинг ҳам кенг кўламига эга. Фақатгина шу маълумотлар базасидан тўғри ва оқилона фойдалана олишни билиш керак.

References:

1. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. (2009) “Банк иши”. Ўқув қўлланма-Т. “IQTISOD-MOLIYA”, 44б;
2. Басс Л.Б. (2007) “Банки и небанковские кредитные организации и их операции” Учебник. Под ред Е.Ф.Жукова- М.Вузовский учебник., 311б;
3. Жарковская Е.П. (2011) “Финансовый анализ деятельности коммерческого банка” учебник. 2-е изд. - М. : Издательство “Омега Л”., 278б;
4. Ибрагимов А.К. ва Джураев К.Н. (2012) “Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари харажатларининг соф фойдага таъсирини ҳисоби масалалари” мақоласи.,



“Аграр соҳани модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молия-кредит масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. Тошкент, 57-58б;

5. Коробкова Ю.И. (2007) Банковские операции /под редакции Москва: ИНФРА-М, 66-69 б;

6. Коняев А.А. (2011) Оптимизация затрат в коммерческом банке //Финансы и кредит. №5 (437). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/optimizatsiya-zatrat-vkommercheskom-banke> (дата обращения: 17.09.2019).

7. Лаврушин О.И., Валенцева Н.И. (2016) Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. Лаврушина О.И. –М.: КНОРУС., 235 б;

8. Новашина Т.С., Жданова О.А. (2012) “Управление затратами банка” Программа магистерской подготовки по направлению “Общий и стратегический менеджмент”. Московский финансово-промышленный университет “Синергия”;

9. Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177 сонли Фармони;

10. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. (1995) “Бухгалтерский учет: управленческий аспект”/ Пер. с англ./Под. ред. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 20б.